## Элликқалъа:

# Юксалиш одимлари

***Элликқалъа нафақат Қорақалпоғистондаги, республикамиздаги йирик туманлардан. Бу ер ўзбек халқининг катта маданий мероси яратилган қадимий, табаррук замин. 253 та қалъа ва қўрғон унинг тарихидан ишонарли ҳикояларни сўзлайди. Унга мусаффо осмон остидаги очиқ музей, деб таъриф беришлари бежиз эмас. Олимлар унинг етти минг йиллик тарихи бор, деб таъкидлайдилар. Бу ерда бир замонлар деҳқончилик гуркираган, савдо карвонлари мағрибу-машриққа қатнаган, маданият гуллаб-яшнаган. Бу юрт Абу-Райҳон Берунийдек алломаларни тарбиялаган, улар жаҳон илм-фанига салмоқли ҳисса қўшганлар. Ота-боболаримиз Амударёнинг қилиқлари, қалтис ҳазили туфайли гуллаб-яшнаган, мўл ҳосилли бу заминдан кўчиб кетишга, Амударё соҳилларига яқин жойларни макон қилишга мажбур бўлганлар. Ҳувиллаб қолган бу заминга етти аср ўтгандан кейин унинг ҳақиқий эгалари иккинчи бор қайта ҳаёт бахш этди.***

Бу ҳудуд қайта ўзлаштирилди, аҳоли кўчиб кела бошлади. Ота-боболаримиз руҳи шод бўлди. Ўша пайтда «Оғалар» бу ҳудуднинг серунум тупроғидан тоғ-тоғ пахта олиш, фақат деҳқончилик, чорвачилик қилишни мўлжаллаган эдилар.

Юртимиз мустақил бўлгандан кейингина Элликқалъа ўзининг ҳақиқий қиёфасини топди. Илдизидан кўкарган гужумдек гуркираб ўсди, камол топди, ҳар томонлама ривожланди. Мамлакатимизнинг ҳамма бурчакларида бўлгани каби Элликқалъа тумани ҳам истиқболнинг ойдин йўлига чиқди. Туман маркази чинакам Бўстон бўлди. Кўм-кўк дарахтларга бурканган равон кўчалар, ўнлаб замонавий иншоотлар, коттежлар, янги таълим муассасалари, шифохоналар, «Элтекс» каби қўшма корхоналар унинг довруғини қайтарди. Бу ерда маънавият ва маърифат юксалаётгани, ислоҳотлар чуқур илдиз отаётгани, муҳими, одамлардаги кайфият мустақиллик шарофатини, унинг моҳиятини намоён қилиб турибди. Туман маркази Бўстон шаҳридаги Санъат саройини, ҳашаматли академик-лицей биносини, замонавий ва ўтмиш миллий меъморчилиги уйғунлашган бошқа янги қурилган биноларни кўрган киши тан бермасдан иложи йўқ.

Туманда маҳаллий саноат юксаляпти, деҳқончиликда энг илғор усуллар қўлланилаяпти. Ҳозирги кунда юзлаб ҳиссадорлик жамиятлари, кичик, хусусий корхоналар, ширкатлар фаолият кўрсатяпти, сув танқислигини енгиш чоралари кўрилиб, 18 минг гектарга яқин майдонда деҳқончилик қилинаяпти. Булар ҳаммаси бу ерда меҳнат қилаётган кишиларда қадимий ва муқаддас заминда яшаб, мустақил юрт эгаси бўлишдан ғурурланиш туйғуси кучлилигидан, улуғ ишларга дахлдорлик туфайли ифтихор туйишдан.



Элликқалъада мустақиллик йилларида қилинган ишларни бирма-бир санаб ўтиш осон эмас. Биргина шу йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган ишларга назар солинса, юксалиш пиллапоялари яққол кўзга ташланиб қолади. Туманда муҳим вазифа — чет эл инвестицияларини жалб қилиш борасида олиб борилаётган ишлар эътиборга молик. Хориж сармояларини жалб этиб, қўшма корхоналар ташкил этиш иқтисодиётнинг муҳим омили эканлиги назарда тутилган ҳолда «Элтекс» ҳиссадорлик жамияти базасида Лихтенштейн давлатининг «Medikal Cotton International LTD» компанияси билан ҳамкорликда тиббий момиқ ишлаб чиқарувчи қўшма корхона ташкил қилинди. Ҳозир унга замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилмоқда. Корхона тез кунларда маҳсулот бера бошлайди. Яна Бангладешнинг MERCHANTEX Co (BD) LTD компанияси билан жинси маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи қўшма корхона ташкил этиш бўйича шартнома имзоланди. Ушбу корхонани шу йил охиригача ишга тушириш мўлжалланган бўлиб, натижада ҳар йили 500 минг дона жинси шимларни экспорт қилиш имконияти туғилади. Шунингдек, «Раанани Холдинг» компаниясининг шўъба корхонаси ҳисобланган «Осиё Европа траст» компанияси билан «Иссиқхона» масъулияти чекланган жамият ўртасида бу ерга Исраилнинг томчилатиб суғориш технологиясини ўрнатиш борасида келишувга эришилди. Бу йилига 150-200 тонна помидор, бодринг етиштириш имконини яратади.



2001 йилнинг биринчи чорагида туманда саноат корхоналари томонидан 938 миллион 702 минг сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу суръатни ошириш чоралари кўрилаяпти.

Туманда тадбиркорликка кенг йўл очиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Тадбиркорлар учун ўқишлар ташкил қилинаяпти, уларни қўллаб-қувватлаш учун кредитлар бериш йўлга қўйилган. Жорий йилда кредит олиш учун 21 нафар тадбиркор ўз лойиҳалари билан мурожаат қилган бўлса, шулардан 19 та лойиҳани молиялаштиришга 16 миллион 388 минг сўм йўналтирилди. «Пахтабанк»нинг «Бўстон» бўлими томонидан эса тадбиркорларга 9 миллион 550 минг сўмлик микрокредитлар ажратилди. Булардан кўринадики, бу ерда тадбиркорлик янада ривожланади.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ўз самарасини бераяпти, албатта. Жорий йилда кридет олган 81 нафар тадбиркор бирмунча ишларни амалга оширди. Улар томонидан 150 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Йил бошида улар 12,7 тонна гўшт, 57,8 тонна сут, 66,5 минг дона тухум, 4,8 тонна қандолат маҳсулотлари тайёрлаб бердилар, аҳолига 900 минг сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди. 2 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиб, тадбиркорлар умумий ҳисобда 15 миллион 191 минг сўм даромад қилдилар.

Элликқалъада қурилиш ишлари ҳам жадал олиб борилмоқда. Шу йилнинг бошида Бўстон шаҳрида 600 ўқувчига мўлжалланган академик лицей ёшлар ихтиёрига топширилди. Бу ерда қарияларга ғамхўрлик қилиш ҳам эсдан чиқарилмаяпти. Замонавий усулда қурилган «Оталар чойхонаси» ҳамиша гавжум. Уларнинг дуосини олиш эртанги ишларга илҳомлантиради. Элликқалъа темир йўл вокзали қуриб ишга туширилганлиги туманда муҳим воқеа бўлди. Учқудуқ-Мискин-Султонваисдоғ» темир йўл магистралига қарашли бу вокзал йўловчилар учун барча қулайликларга эга. «Коинот» мавзесида қишлоқ врачлик пункти ва дўкон, «Боғёб» канали темирбетон кўприги ҳам қуриб ишга туширилди. Ҳозир туманда ўнлаб объектларда қурилиш ишлари давом этаяпти. Масалан, «Орол болалари» ўқув соғломлаштириш маркази, академик лицей ётоқхоналари, шаҳар канализация тармоғи, темирйўлчилар шаҳарчаси, нефтебаза, агротадбиркорлик коллежини таъмирлаш, нефтебаза ишчилари учун 24 хонадонга мўлжалланган турар жой биноси, «Бўстон-Чайка» газ тармоғи ҳамда спорт соғломлаштириш мажмуини санаб ўтиш мумкин. Бу иншоотлар қурилиши миллий меъморчилик асосида сифатли амалга оширилмоқда. Бу қурилишлар туман иқтисодиёти мустаҳкамланиб бораётганлигининг амалий исботидир.

Юқорида санаб ўтган кўрсаткичлар номигагина эмас, иқтисодий ўсиш, турган гапки, аҳолининг ҳаёт даражасини юксалтиришга, турмуш тарзини яхшилашга олиб келади. Ҳозирги кунда туман аҳолисининг 93 фоиздан ортиғи табиий газдан фойдаланмоқда. Хонадонларни газлаштириш, тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишлари тезкорликни талаб қилади. 2005 йилга қадар ичимлик суви билан таъминлашни 95 фоизга етказиш, табиий газ билан эса тўла таъминлаш мўлжалланаяпти. Бу 97 км. газ тармоқлари, 216 км. узунликда сув тармоқлари бунёд этилади, деганидир. Бу ерда кун сайин савдо, маиший хизмат маданияти яхшиланаяпти. Айниқса, аҳоли саломатлиги ҳақида қайғуриш яққол кўзга ташланади. Демак, иқтисодий ўсиш аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омили. Зеро, ҳар бир фуқаро ҳақида ўйлаш, унга ғамхўрлик қилиш мустақилликка эришган, ҳуқуқий демократик жамият қураётган халқимизнинг эзгу мақсадидир.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


## «Наманган Экстракт-ёғ»

**очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига !**

***2001 йил 17 июл куни соат 10.00да жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилади.***

**Кун тартиби:**

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 9 мартдаги 119-сонли қарори вазифаларидан келиб чиққан ҳолда:***

1. Жамият низом жамғармасини қарорда белгиланган тартибда кўтариш.
2. Жамият низомига тегишли ўзгартиришлар киритиш.

**Акциядорларни рўйхатга олиш соат 8.00дан бошланади.**
**Жамият акциядорлари реестри 2001 йил 17 июн ҳолатига тузилган.**

**Шунингдек, 2000 йил якуни бўйича олинган соф фойдадан бир дона акцияга тўғри келган дивиденд миқдори 1842,7 сўмдан ҳисобланди.**

**Дивидендларни тўлаш жамият кассасидан 2001 йил 4 июлдан бошлаб ҳисоб-китоб қилинади.**

**Юқоридаги масалалар юзасидан тегишли ҳужжатлар билан танишиш учун кузатув кенгашига мурожаат қилиш мумкин.**

**Манзил: Наманган шаҳри, А.Раҳимов кўчаси, 25-уй.**
**Телефон 6-47-11, факс 6-49-91.**

4416

***Кузатув кенгаши.***



## «MALVIL» МЧЖ

*саноат электр жиҳозларини жаҳондаги машҳур корхоналардан бевосита етказиб беради.*

**АККУМУЛЯТОРЛАРНИ КУЧЛАНТИРУВЧИ ВА ДВИГАТЕЛЛАРНИ ЮРГИЗУВЧИ ҚУРИЛМАЛАР (12; 24V)**

Ишлаб чиқарувчи: **Италия** (CEMONT).

**ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЛАШ ЖИҲОЗЛАРИ**

Ишлаб чиқарувчилар: **Италия** (CEMONT), **Украина** (SELMA).

КАФОЛАТ. ЭХТИЁТ КИСМЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ. ТЕХНИК ХИЗМАТ.

2771

**700000, Тошкент ш., В. Малясов кўчаси, 3, 113,115-хоналар.**
**Тел.: (998-71) 120-68-36, (998-712) 41-31-24, 30-20-36. E-mail: malvil @ operamail. com.**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФОНД БИРЖАСИДА

***биринчи маротаба 700та корхонанинг акциялари савдога қўйилади.***

***Ишнинг кўзини билиб пул сарфланган тақдирда акция эгалари йилига 100 фоизгача фойда олишлари мумкин.***

***Улгурсангиз, сиз ҳам бу акцияларни сотиб олишингиз мумкин!***

**Биржага телефон қилинг: (998-71) 136-07-40, 133-09-83, 133-13-99.**
**Факс (998-71) 133-32-31.**
**e-mail: rse@naytov.com.**

4420

